


Мавзу: ЁНИ КЕСИК ХАЛАТ

Режа:

1. Халат андазасини чизиш

2. Халатни бичиш ва тикиш



121-расм. Ёни кесик халат.

Халатлар фасонига ва отделкасига караб хилма-хил булади. 121-расмда сипо килиб тикилган халат курсатилган. Бу халатнинг бели паст ва ён томонидан (оркаси ва олдида) кесилган ҳамда чуқур ёпик витачкалар килинган.

Бундай халат тула гавдали хотин-кизларга ҳам, нафис гавдали хотин-кизларга ҳам ярашади. Халат нафис гавдали кишига тикиладиган булса, олдиндаги ва оркадаги ён клинларни буриш керак. Тула гавдали кишиларга тикиладиган халатнинг бели бурилмайди. Бундай халатни юпка гулдор газлама ва фланелдан узун ҳамда калта килиб тикиш мумкин. Халат юпка газламадан тикиладиган булса, енгини калта килиш мумкин.


Халатнинг андазасини чизиш

Халатнинг оркаси (122-расм).Лифнинг оркаси уртаклин билан бирга яхлит килиб бичилади. Бунинг учун орканинг асосий андазаси куйидагича узгартириладн: *T* нуктадан пастга истаган узунликда тик чизик тушириб, учиға *H* нукта куйилади. *H* нуктадан унга, этак чизиги буйича 16 см улчаб, шу жойға белги куйилади ва бу белги оркадаги витачканинг бир чизигига туташтирилади.

Халат оркасининг ён чизиги. Оркадаги бел чизигидан пастга, ён чизик буйича 6 см улчаб, уша ерга нукта куйилади, бу нукта оркадаги витачканинг иккинчи чизигига эгри чизик билан туташтирилади.

Юбканинг ён клини. Ён клиннинг кенглиги халат оркасидаги кесилган жойға (подрезнинг узунлигига) тенг булиши керак. Халатнинг бели бурмали килинадиган булса,


риш керак: T_i нуктадан унга 12 см узунлигида горизонтал чизик тортиб, учига Г, нукта куйилади. A_i нуктадан унга 10 см узунлигида чизик торгиб, учига Лз нукта куйилади, Ла нукта



122-расм. Ёни кесик халатнинг чизмасы.

Халатнинг борти. Ла нуктадан пастга 10 см улчаб, Г₃ нукта куйилади. Г₂ нукта В₁ нуктага турри чизик билан туташтирилади ва шу чизикдан фойдаланиб, бортнинг юкориги кисми 122-расмдагидек чизилади.

Олдинги яхлит бичиладиган клин. Т₁ нуктадан чапга 8 см улчаб, шу ерга ёпик витачка килинади. Я, нукта




123-рasm. Бир чокли халат енгининг чизмаси.

килинади. л, дан чапга этак чизиги буйича 20см улчаб, шу ерга нукта куйилади; бу нукта белдаги витачканинг олдинги чизирига туташтирилади, шунда олдинги яхлит клиннинг ён чизиги хосил булади.

Халат олдининг ён чизиги. Халат олдининг ёнидан (белидан) пастга 6 см узунлигида кия чизик чизилади, бу чизикнинг учи витачканинг иккинчи чизирига эгри чизик билан туташтирилади, лифнинг ёни шу эгри чизик изидан кесилади.

Юбканинг ён клини. Ён клин бурмасиз тикиладиган булса, унинг юкориги томонининг эни лиф олдининг пастки томонига тенг булади; клин буриладиган булса, бичиш вақтида унга бурма хаки кушилади. Клин этагининг кенглиги 40 см га тенг. Халатнинг этаги кенг килинадиган булса, бир клин урнига икки клин солинади. Клинларнинг ён томони осилиб турмаслиги учун 2 см киркиб ташланади.



124-рasm. Манжета чизмаси.

Халатнинг енги. Енгнинг андазаси енгнинг асосий чизмасига караб чизилади. Енгнинг учини истаганча кенг килиш мумкин (123-рasm).

Енгнинг манжетаси. Манжетанинг узунлиги панжа айланасига плус манжетанинг туқислиги ҳамда тугмаланиши учун ташлаб кетиладиган хаҳка тенг булади. Манжетанинг эни 3 см (124-рasm).

Халатни бичиш ва тикиш. Халатни бичишда аввало андазалар материалга куйиб чикилади. Материалнинг гули хар томонга караган булса, андазани куйишда гулларга эътибор бермаса ҳам булади. Бирок материалнинг гуллари муайян томонга караган булса, андазаларни материалнинг гуллари халатда бир томонга караб турадиган килиб куйиш керак. Биринчи навбатда лиф оркаси ва лиф олди, енг, олдинги клинларнинг андазаси куйиб чикилади.

Халат энли газламадан ёйиб бичиладиган булса, лиф олди бичигидан колган лахтаклардан орка клинни бичиш мумкин. Клинлар кенг, башанг булиши учун бу лахтакларга лиф оркаси бичиридан колган лахтакларни улаш керак. Клин бичикларидан колган лахтакларни халат барининг астарига ишлатса булади. Енг умизини бичишдан чиккан лахтаклардан ёканинг орка умизи учун адип кесиб олиш мумкин. Андазанинг четидан бур юргизганда елка чоки учун 1,5 см, ён чоклар учун 2 см дан, ён томондаги кесилган жойни кайириш учун 2 см, клинларнинг четларида 1 см, этакни кайириб тикиш учун 3—4 см хак ташлаб кетилади.

Халатни бичгандан кейин витачка чизиклари ва чок тушадиган жойлар салки кавик солиб белгиланади. Сунгра бортнинг чети 1—2 см йирилади; бунинг учун борт чети 2 мм ичкаридан бошдан охиригача ипга сал йирилади, бундан 1 мм наридан яна шу тарика ипга йирилади ва хосил булган бурма дазмоллаб текисланади. Халатни бичганда бортнинг

четига газлама милки тугри келиб колса, уни киркиб ташлаш керак. Тугма учун кесма петля солинади. Сунгра борт астари куклаб куйилади. Елка ва бел витачкалари тепчиб чикилади. Лиф ёнининг клин уланадиган пастки чети кайириб куклаб куйилади.

Агар ён клин буриб тикиладиган булса, унинг юкориги чети ипга йириб, лифнинг ёнига куклаб куйилади (бунда лиф клиннинг устидан бахялаб тикилиши лозим). Шундан кейин ён клин яхлит бичиладиган олдинги клинга уланади, уланган жойи бел витачкаси билан яхлит чок хосил килиши лозим.

Лиф оркасининг уртаси кук солиб белгиланади. Орка елка 1 см йирилади ва шу жойи дазмоллаб текисланади. Бел витачкаси кукланади, лиф ёнининг пастки чети кайирилади ва шу ерга ён клин уланади. Бу клиннинг оркадаги яхлит бичиладиган клинга уланган жойи бел витачкаси билан бир бутун чок хосил килиши лозим. Лифнинг оркаси ва олди тайёр булгандан кейин уларнинг елка чоклари уланади. Енг боши ипга йирилади ва дазмоллаб текисланади. Енгнинг чоклари тикилади, енг учи кайириб босилади ёки манжета тутилади. Сунгра енг утказилади. Бундан кейин халат кийиб курилади. Кийиб курганда хеч кандай камчилик топилмаса, халатни машинада тикиб тайёрлаш мумкин. Халатнинг хамма чокларн орасии очиб дашолланади.

ЕНГИ ЯХЛИТ БИЧИЛАДИГАН ЁЗГИ ХАЛАТ

125-расмда чиройли ёзги халат курсатилган. Бу халат лифининг кукрак кисми юбка билан бирга бичилади ва чокига торгина волан тутилади; бу волан кийигига бичилган булиши лозим. Лиф олдининг белдан юкориги & n кисми буриб тикилган. Халатнинг олди этагигача тугмаланади. Халатнинг бари унча кенг эмас, юбкаси клёш. Чунтаклар устдан копланган ва четига волан тутилган. Халатнинг енги лиф билан бирга бичилган ва учига волан тутилган. Лиф оркасининг бели бурилган. Пояс камбар. Бундай халатни сидирга газламадан тикса яхши чикади.

Халатнинг андазасини чизиш


Халатнинг андазасини чнзиш кулай булиши учун, лиф оркаси ва олдининг чизмаси алохида курсатилган (126 ва 127-расмлар). Халат оркасининг планини чизгандан кейин унга куйидаги узгаришлар киритилади.

Оркадаги енг умизининг кенглиги (126-расм). Сд нуктадан унгга, кукрак чизиги буйича 3 см улчаб, C_1 нукта куйилади. Бу нуктадан пастга 1,5 см лик чизик тортиб, учига C_2 нукта куйилади. C_3 нуктадан унгга 4 см лик чизик чизиб, учи C_4 билан белгиланади. 125-расм. Енги яхлит бичилган халат.

Халатнинг енги. Елка чизигини $П$ нуктадан унгга 10 см, давом килдириб, учига $П_1$ нукта куйилади. Бу нукта C_1 нуктага тугри чизик билан туташтирилади. Хосил булган чизикнинг Уртасидан 1 см, ичкарига O нукта куйилади. Сунгра O нукта оркали утадиган килиб, $П_1$ нуктадан $Cи$ нуктага эгри чизик тортилса, енгнинг чети хосил булади.


Лиф оркасининг ёни. T_1 нуктадан 2 см, унгга Tg нукта куйилади. T_2 нукта T_2 нуктага туташтирилса, лиф оркасининг бн чизиги келиб чикади.

Халатнинг юбкаси. Юбканинг орка эни лиф оркасининг чизмасига кушиб чизилади. Мисолимизда юбка этагининг кенглиги 36 см, га тенг. Юбка кунгираланиб туриши учун белни 2 см уйиш керак. Юбканинг этагини истаганча кенгайтириш мумкин.



Лифнинг олди (127-расм).

Лиф олдининг андазаси олинган улчовга караб, лифнинг асосий чизмасидан фойдаланиб чизилади.



126-расм. Енг иялит бичиладиган халат оркасининг чизмаси.

Елка чизигининг киялиги. B нуктадан чапга елка чизиги буйича 14 см улчаб, уша жойга E_0 нукта куйилади. $БП$ чизикни чапга 10 см давом килдириб, учига E_0 нукта куйилади. Бу 10 см *лик* чизик енг хаки булади (E_0 нукта елка чизигидан 1 см пастдан олинади).


Олдинги енг умизининг кенглиги. 5 нуктадан чапга 9 см узунликда тугри чизик тортиб, унинг учига E_1 нукта куйилади. E_0 нукта E_1 нуктага Туташтирилади; E_1E_0

чизикнинг уртасидан 2,5 см унга O нукта куйилади. Сунгра бу нукта оркали утадиган эгри чизик чизиб, енгнинг чети хосил килинади.

Халат барининг кенглиги. B_1 нуктадан унга 5 см лик чизик тортиб, учига B_2 нукта куйилади. H нуктадан унга 5 см лик чизик тортиб, учига H_1 нукта куйилади. B_2 нукта H_1 нуктага тугри чизик билан туташтирилса, халат барининг контури келиб чикади.

Олдинги ека уйиги. B_2 нуктадан пастга 13 см улчаб, шу жойга Γ_1 нукта билан белгиланади. нукта B нуктага туташтирилади, шунда ёка уйиги келиб чйкади.

Лифнинг юбка билан бирга бичиладиган курагини чизиш учун ёрдамчи нукталарни белгилаш. B нуктадан 6 см чапга Π_1 нукта куйилади. Π_1 нуктадан пастга ёка уйигига параллел килиб 14 см узунлигида чизик тортилади ва чизикнинг учи Π_2 нукта билан белгиланади. Γ нуктадан чапга курак чизиги буйича 10 см. улчаб, Γ_2 нукта куйилади. T_1 нуктадан юкорига, чизик буйича 8 см улчаб, шу жой T_2 нукта билан белгиланади. T_3 нуктадан чапга 6 см лик чизик тортиб, учига T_3 нукта куйилади. T_3 нукта Π_2 , нуктага



127-рasm. Енги яхлит бичиладиган халат олдининг чизмаси.

Γ_2 , оркали утадиган эгри чизик билан туташтирилса, лиф курагининг контури келиб чикади.


Лиф олдининг кесиги (подрез). T нуктадан юкорига 4 см лик чизик тортиб, учига Π нукта куйилади. T_4 нуктадан чапга 4 см узунлигида горизонтал чизик чизилади ва бу чизикнинг учи E_1 нуктага туташтирилади, натижада лиф олдининг ён чизиги хосил булади. Халатнинг бели ёпишиб туриши учун 2 см киркиб олинади. Хипча белли хотин кизлар учун белнинг ён томони гавдага лойик килиб кесиб олинади.

Юбканинг олдингизни. Халатнинг юбкаси лиф билан яхлит бичилади; лекин юбкани алохида бичиш хам мумкин. Мисолимизда юбка этагининг кенглиги 51 см. Юбканинг ёни осилиб турмаслиги учун ён чизикнинг юбка узунлигидан ортикча кисмини этакдан кесиб ташлаш керак.


Халатнинг чунтаги. Чунтакнинг урнини белгилаш учун марказий чизикдан, яъни T_1 нуктадан чапга бел чизиги бўйича 10 см (127-расм) улчанади ва бу жойдан 6 см пастга нукта куйилади; бу, чунтак олдинги кисмининг юқориги нуктаси бўлади. Сунгра бел чизигидаги нуктадан чапга 12 см улчаб белги куйилади, бу белгидан пастга 9 см улчанади, шунда чунтак орқа кисмининг юқориги нуктаси келиб чиқади.

Чунтакни чизиш учун, томонлари 12 см га тенг булган тугри турт бурчак ясалади, унинг пастки бурчаклари думалок килиб кесилади (128-расм).

Халатга отделка сифатида тутиладиган бейканинг кенглиги мисолимизда 3 см га тенг, узунлиги эса енг ва чунтак адипларининг узунлиги плус бурма хаки 30 см га тенг килиб олинади (129-расм).



128-расм. Чунтакнинг чизмаси.



129-расм. Оборканинг чизмаси.